

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 158 (10.211)

2004 йил 17 АВГУСТ

### ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ



Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимиздаги хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини аёллар манфаатларининг амалдаги ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячисига, биз барпо этаятган эркин фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантириш борасидаги давлати юртимизда хотин-қизларга бўлган ҳурмат ва катта ишончнинг яна бир ифодасидир.

Жойларда Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йўналишдаги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалда таъбиқ этишга киришилди.

Туман, шаҳар ва вилоятлар хотин-қизлар кўмиталари ҳисоб-саноат конференцияларида ўз фаолиятини танқидий таҳлил этар экан, ана шу дастуриламал ҳужжатлар тимсолида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини, оиладаги, жамиятдаги ҳамда давлат қурилиши соҳасидаги вазифаларни бажаришдаги ролини янада ошириш масалаларини кенг муҳокама қилди.


14 август куни пойтахтимизда Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан сайланган делегатлар — Ўзбекистон Қажрамонлари, Олий Махлис депутатлари, олимлар, муаллимлар, шифокорлар, тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа кўплаб соҳаларда жонбозлик кўрсатаётган фаол аёллар вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимиз хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, бугунги кунда юртимиз аёллари оилада тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларини сабр-тоқат, оқиллик билан ҳал этиш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, жамиятимизда амалга оширилаятган туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида фаол қатнашаётганлар.

Давоми 2-бетда.

Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» республика танлови якувланди. Пойтахтимиздаги Халқлар Дўстлиги саройида мазкур танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган гала-концерт бўлиб ўтди.



ЎЗБЕКИСТОН

### ҚЎШИҚ БАЙРАМИ ЯКУНЛАНДИ

Унда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказиб келинаётган мазкур танлов юртношларимиз, айниқса ёшлар қалбида она-Ватанга муҳаббат, юрта садоқат, фидойилик, истиқлолни асраб-авайлаш каби эзгу ғояларни синдиришдек хайрли мақсадларга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Яхши анъанага айланган ушбу танловда юртимизнинг каттаю кичик бадий жамоалари, ҳаваскорлик гуруҳлари, хонандаю созандалар билан бирга ёш истеъодлар ҳам фаол қатнашмоқда.


Кўрик-танлов ёш иқтидор соҳибларини катта саҳнага олиб чиқиш, маҳоратини намойён қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, Маданият ишлари, Ички ишлар, Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларидан дастлабки босқичларда ғолиб чиққан иштирокчи ва жамоалар ўз санъатини намойиш этди.

Кўрик-танловда биринчи ўрин берилмади. Самарқандлик Умида Ёрмухамедова ижросидаги Жамида Наимова мусиқаси, Камол Раҳимов шеъри билан айтилган «Ватаним» қўшиғи (Маданият ишлари вазирлиги), Тошкент Давлат педагогика университети бадий мусиқий жамоаси ижросидаги Анор Назаров мусиқаси, Ан-

вар Обиджон шеъри билан айтылувчи «Гулгун Ватан» қўшиғи (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги), пойтахтимиздаги Акмал Икромов туман маданият уйининг «Хумо» ашула ва рақс дастаси ижросидаги Юнус Ражабий мусиқаси, Нуриддин Аминжон шеъри билан айтылувчи «Ёшлик ёр-ёри» қўшиғи иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Навоийлик Шерзод Давро-



нов ижросидаги Дони Илёсов мусиқаси, Сирожидин Саййид шеъри билан айтылувчи «Эгаси бир куб юртининг» қўшиғи, Республика ўқувчилар саройининг «Камалак» гуруҳи ижросидаги Зокир Отабоев мусиқаси, Нормурод Нарзуллаев шеъри билан айтылувчи «Мен гунчанам» қўшиғи (Халқ таълими вазирлиги), Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Куролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси Шуҳрат Дадажонов ижросидаги Ш.Дадажонов мусиқаси, Анвар Обиджон шеъри билан айтылувчи «Халқим» қўшиғига учинчи ўрин берилди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири  
Сарвар Ўрмонов (ЎЗА)  
олган сурат

• «КАМОЛОТ» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Камалак» болалар ташкилотининг Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман бўлимлари, «Болалар» томоша студияси ҳамкорликларида иқтидорли болалар ўртасида ташкил этилган «Сенсан — Ватаним маним» мавзусидаги видеоклиплар танлови давом этмоқда. Ушбу тадбир 21 августда якунланади.

Фармонида белгилаб берилган вазифалар муҳокама қилинди.

• **СОБИР** Раҳимов туманида жойлашган Республика уруш ва меҳнат фажрийлари пансионати Меҳр ва муруват йили муносабати билан қайта таъмирланадиган бўлди.

• **ШАҲРИМИЗДАГИ** Мискин номи маҳаллада фаолият юритаётган милиция танч пункти янги бинода иш бошлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

**XXI сағоси**  
Барча мамлакатлардан  
олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Хиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасида мазкур мамлакат мустақиллигининг 57 йиллигига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

• Тошгузар — Бойсун — Кумкўрғон темир йўлининг Тошгузар — Деҳқонобод қисмидаги 57 километрик масофага пўлат из ётқизиб бўлинди.

• «ALBA PEN» Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонасининг иш бошлаганига бир ой бўлди. Ўзбекистон йўналиши бўйича МДХда ягона ушбу қўшма корхонада ҳар ойда бир миллион донагача тўрт хил рангдаги шарикли ручка, шунча стержень ишлаб чиқаришмоқда.

• Чирчик шаҳрининг Жалолдин Мангуберди номидаги спорт мажмуида ҳарбий-амалий кўпурш бўйича мамлакат биринчилиги якунланди. Унда юздан зиёд ҳарбий спортчи иштирок этди.

• Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги 45-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Нафиса Мўминова хотин-қизлар ўртасида шахмат бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида ғолиб чиқиб, Испанияда бўлиб ўтадиган шахмат олимпиадасига йўлланма олди.

• Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Зарми-тан» ширкат хўжалигида яна балиқ етиштиришга киришилди.

• Қашқадарё вилояти «Маҳалла» жамғармаси қошида «Маҳалла зибеси» вилоят ўқув-услубий маркази ўз фаолиятини бошлади.

### Жаҳонда

• Жаҳон бозорида «қора олтин»нинг нархи кўтарилмоқда. Хусусан, Нью-Йорк биржасида бир баррел нефть 45, 44 долларга баҳоланди.

• Суданнинг Дарфур музофотидаги вазият ҳамон кескин-лигича турибди. Бироқ шу ой ичида Судан бўйича тинчлик музокараларининг ўтказилиши мўлжалланмоқда.

• Жанубий Осетияда отишмаларни тўхтатиш тўғрисидаги қўшма комиссия келишуви кучга кирди.

• Венесуэлада амалдаги президент Хуго Чавеснинг жойида қолиш қўлмаслиги масаласига бағишланган умумхалқ референдуми ўтказилди.

• Кубада катта вайронгарчиликларни келтириб чиқариб, уч кишининг ҳаётига зомин бўлган Чарли тўфони АКШнинг Флорида штати худудига етиб келди. Тўфон турар жойлар томларини учирди, даракларни илдиздан кўпорди.

**ПОЙТАХТНИНГ**  
Бир кунли  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИССА**

• **БУГУН** «Умид» спорт-соғломлаштириш мажмуасида болалар ўртасида ўтказилган оммавий спорт турлари бўйича мусобақалар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жам-

фармасининг Мирзо Улуғбек туман бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилди.

• **ТОШКЕНТ** шаҳар Тадбиркор аёл уюшмасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида бўлиб ўтган семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги



**Ўзбекистонлик олимпиячилар спортнинг стол тенниси, боксе, велоспорт, спорт гимнастикаси, сузиш, дзюдо, ўқ отиш, академик эшкак эшиш турлари бўйича мусобақаларни давл бошлади.**

**КУРАШ ҚИЗГИН КЕЧМОҚДА**

**АФИНА. (ЎЗА махсус мухбири Зоҳир ТОШХҲАЕВ).** Ўзбекистонлик олимпиячилар спортнинг стол тенниси, боксе, велоспорт, спорт гимнастикаси, сузиш, дзюдо, ўқ отиш, академик эшкак эшиш турлари бўйича мусобақаларни давл бошлади.

Айниқса, боксчиларимиз яхши натижалар кўрсатяпти. Барча чарм қўлқоп усталаримиз жангларда галабага эришмоқда. Жумладан, Шерзод Абдурахмонов туркиялик Сердар Устунерни, Ўткир Ҳайдаров эса нигериялик Исаак Некрони катта устунлик билан мағлубиятга учратди.

Яна бир боксчимиз Шерзод Ҳусанов ҳам жамоадошларининг зафарли олимпиячилари давом эттириб, венесуэлалик Прада Жон Карисони 33—20 ҳисобда мағлуб этди.

— Президентимиз Ислам Каримов ўзбекистонлик Олимпиада иштирокчиларига йўллаган табригида барча спортчиларимиздан умиди катта эканини алоҳида таъкидлаган эдилар, — деди жаҳон чемпионати совриндорни, Осиё чемпиони, ҳарбийлар Олимпиадаси ғолиби Шерзод Ҳусанов ЎЗА мухбирига. — Аввалги икки олимпиададан ҳам боксчиларимиз Ватанимизга медаллар билан қайтишган. Биз ҳам ҳар гал рингга ана шундай катта масъулиятни ҳис қилган ҳолда чиқяпмиз. Насиб қилса, Юртбошимизнинг, барча спорт ишқибозларининг ишончини оқлаймиз.

— Ўзбекистонлик боксчилар доимо пухта тайёргарликка эга, кучли жамоа ҳисобланган — дейди тунислик Башир Маннубий. — Мен учун бу 12—Олимпиада ўйинларидир. Илгари боксе бўйича Тунис терма жамоаси шарафини ҳимоя қилганман. Ҳозир телеоператор сифатида боксчиларнинг чиқишларини кузатиб борапман. Боксчиларингиз мени ҳайратга солмоқда.

Шунингдек, академик эшкак эшиш бўйича жуфтлик баҳсларида Руслан Наурузлиев ҳамда Сергей Богданов биринчи босқичдан муваффақиятли ўтди.

**ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ**

Давоми. Боши 1-бетда.

Хотин-қизлар турли соҳаларда эркаклар қатори меҳнат ва ижод, бунёдкорлик юмушлари билан машғул. Айниқса, таълим, маданият, санъат, илм-фан, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот тизимларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар орасида аёлларимизнинг улуши салмоқлидир. Улар қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва алоқа, савдо, молия, кредит, сугурта каби бошқа кўплаб соҳаларда ҳам самарали меҳнат қилмоқда.

Республика Хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти аёлларимизнинг жамиятда тутган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мавқеини оширишга, уларнинг маънавий-маърифий ўсишини таъминлаш истиқболларига қаратилди. Бу ишларни амалга оширишда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурлишидаги, оиладаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича қабул қилинган Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари, давлат дастурлари катта аҳамият касб этди ҳамда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Шу билан бирга, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган анжуманда қайд

этилганидек, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари фаолиятида қатор камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Улар асосан кўрсатма бериш усулида фаолият юритгани оқибатида кўмиталар фаоллари билан оддий хотин-қизлар, узоқ қишлоқлардаги меҳнаткаш аёллар, қизлар ўртасида узилиш, бўшлиқ юзага келди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий муаммолари ва манфаатлари кўпинча тегшиш кўмиталарнинг эътиборидан четда қолган.

Хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишда фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги фаол аёлларнинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмади.

Конференцияда кўтарилган бундай муаммо ва камчиликларнинг олдини олиш ва ҳал этиш, Президент Фармони ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш бўйича Республика Хотин-қизлар кўмитасининг Ҳаракат дастурлари билдирилган амалий тақлифлар билан тўлдирилган ҳолда қабул қилинди. Ушбу Ҳаракат дастурлари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларни иш билан таъминлаш ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза

қилиш, оилани мустаҳкамлаш соҳаларига йўналтирилган.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизлар соғлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида амалга оширилган ишлардан беҳад манун эканликларини таъкидладилар ва Юртбошимизга миннатдорлик билдирдилар. Бу соҳадаги бетимсол ишлар, янгиланишлар нафақат давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келаётгани, айни чоғда халқро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани қайд қилинди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов мамлакатимизда аёлга эътибор азалий кадрларимиз ва умуминсоний андозалар билан узвий боғлиқ экани, мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва мавқеи изчил юксалгани хусусида сўзлади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг янги Устави лойиҳаси муҳокама этилди ва қабул қилинди.


Конференцияда Республика Хотин-қизлар кўмитаси бошқаруви аъзолари ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Светлана Иномова Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимига сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

ЎЗА

**Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси - Сенатнинг маъмурий биноси қурилиши давом этмоқда.**



*Мустақиллик иншоотлари*

**ЎЗБЕК СЕНАТИ**

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилаётган мухташам бу иншоотни «Ягона бюртмачи хизмати инжиниринг» компанияси бюртмасига кўра бош пудратчилар - 12-ва 159-трест акциядорлик жамиятлари ҳамда Югославиянинг «Энергопроект» холдинг компанияси қурувчилари бунёд этаётир.

Қурилиш ишлари жорий йилнинг ноябрь ойига қадар нихосига етказилиши мўлжалланган. Шу мақсадда етти юз нафар қурувчи икки сменада астойдил меҳнат қиялпти.

Сенат мажлисларида бошқа давлатлар ва ҳукуматлар, парламент делегациялари раҳбарлари иштирок этиши, шунингдек, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган турли тadbирлар ўтказилишини ҳисобга олиб, бино мейморий ечимни жиҳатидан ҳам жаҳон андозаларига ҳамда миллий анъаналаримизга мос бўлиши таъминланмоқда.

Қишнинг олди қисмида фаворалар ва ховузалар барпо этилади. Бинонинг олд қисмида маҳобатли устунлар ўрнатилиб, теспада қадимий шарк мейморчилигининг энг илгор ютуқларидан ҳисобланган уч гўмбаз қад ростлайди.

Безак ва нақшларни «Усто» уюшмасининг қўли гул ҳунармандлари ишляпти. Улар замонавий архитектуранинг қадимий миллий анъаналаримизга мутаносиб ва ҳамохан бўлишини назарда тутиб, тақдорланмас уйғунликка эришмоқдалар.

Бинога Ўзбекистон Республикаси

Конституциявий суди ҳам жойлашади. Зеро, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг Конституцияимизга нечоғли мослигини аниқлаш айнан шу муассаса ваколатига кирди.

— Ҳозиргача қурилишда беш минг тоннадан зиёд металл ишлатилди, — деди 12-трест иккинчи механизациялашган кўчма бошқармаси бош муҳандиси Абдувоҳид Дадамўхаммедов ЎЗА мухбирига. — Темир-бетон конструкциялари, махсус ойна, пластмасса махсулотларидан кенг фойдаланилгани бинонинг замонавий кўриниш касб этишида ва ўта мустаҳкам бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Эътиборли томони, қурилиш махсулотларининг барчаси юртимиздаги корхоналарда маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган.

Айни пайтда тўрт қаватли иншоот биринчи қаватининг ташқи қисми қизил гранитдан қопланди ва қолган уч қавати оқ мрамр билан пардозланади. Ишнинг аниқ ва тўғри олиб борилиши ягона тармоққа уланган компьютер тизими орқали тўлиқ назорат остига олинган.

**Лазиз РАҲМАТОВ, ЎЗА мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: (чапдан) ўз ишнинг усталари Саид Ибрагимов, Сирожиддин Отаматов, Олим Фафуров ва Суйеб Джуматошев; монтажчи Олим Фафуров. Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган суратлар.**

*Семинарлар*

**ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА БАҒИШЛАНДИ**

Куни кеча «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар Савдо саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг «POYTAHT-EKSPORT» экспортчи ва сармоядорларга кўмак кўрсатиш маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистонда тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш» мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарда «Ўзстандарт» агентлиги, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ ва божхона кўмиталари ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этдилар. Анжумани очиб берган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Нурулла Насимов маҳалла фуқаролари йиғинида, корхона ва ташкилотларда, муассасаларда янги партиянинг бошланғич ташкилотлари очилгани, барча туманларда маҳаллий аҳоли иштирокида партиянинг мақсад ва вазифаларини таништиришга ҳамда тadbиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган учрашувлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар ўтказилгани, хусусан, тadbиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида гапирди. Шунингдек, Кенгаш раиси тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида назорат органлари, банк муассасалари ва тadbиркорлар иштирокида очик мулоқот тарзидаги йиғилишлар ўтказиш, уларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш каби тақлифлари ўртага ташлади.

Кун тартибидеги бошқа масалалар, жумладан, кичик ва хусусий тadbиркорлик субъектлари ва ишлаб чиқарувчилар учун берилган солиқ ва бошқа тизимдаги имтиёзлар, маҳаллий хом ашё базасида тайёр махсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури, божхона қонунчилигидаги ўзгаришлар, импорт ва экспорт контрактларини рўйхатга олиш жараёни, кичик бизнесни ривожлантиришда банкларнинг роли, импорт операцияларини конвертация қилиш, Ўзбекистон Республикаси импорт ва экспорт қилаётган махсулотларни сертификатлаш юзасидан эришилган ютуқлар қаторида жараённинг паст сурьатда кечаятгани, меъёрдан ортқича расмиятчилик каби нуқсонлар таҳлил этилиб, уларни бартараф қилиш мақсадида зарур тақлифлар киритилди.

Иштирокчилар фаоллиги мазкур семинарнинг баҳс-мунозарали тарзда ўтишини таъминлади.

**Баҳодир АЗИЗОВ**

«Камолот»

**БИР ТУМАН ЯНГИЛИКЛАРИ**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими Кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти томонидан Тошкент шаҳар Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказидаги ўсмирлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди.

Мусобақаларни ўтказишдан асосий мақсад ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, уларга маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялашдир.

Ушбу тадбирда марказ ёшларига «Камалак» болалар ташкилотининг фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. Болалар билан «Танишув», «Дельфин», «Кайфият», «Истеъдод» каби қизиқarli танишув ўйинлари, волейбол, баскетбол, арқонга тортиш, «Кувноқ» стартлар каби спорт мусобақалари ўтказилди.

Тадбир давомида туман сардорлар Кенгаши аъзолари болалар билан нафақат спорт ўйинлари уйнадилар, балки улар билан яқиндан танишдилар, уларнинг муаммолари ва келажақдаги орзулари билан яқиндан танишиб, дўстлашиб олдилар. Фаол қатнашчиларга эса эсдалик совғалари тақдим этилди.

\*\*\*

**Камолотчилар Бўстонлик туманидаги «Геолог» болалар оромгоҳида бўлдилар.**

Дам олувчилар ёнида бўлишдан мақсад ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли, қизиқarli ўтказиш ва уларнинг «Камолот» ЁИХ ва «Камалак» болалар ташкилоти тўғрисидаги тушунчаларини янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш эди.

Тадбир давомида турли хил спорт мусобақалари ўтказилди. Болалар арқон тортиш, тез югуриш, узок масофага сакраш, тўп тепиш ва яна турли чиниқтирувчи мусобақаларда иштирок этишди. Мусобақада ғолиб бўлган гуруҳларга «Камолот» ЁИХ томонидан турли хил эсдалик совғалари топширилди.

Куннинг иккинчи ярмида эса «Камолотга саяҳат» деб номланган маданий тадбир ўтказилиб, унда болаларга «Камолот» ЁИХ ва «Камалак» болалар ташкилоти тўғрисида маълумот берилди. Тадбир давомида болаларнинг интеллектуал салоҳиятини, сардорлик қобилиятини оширувчи қизиқarli ўйинлар туман сардорлари томонидан ташкиллаштирилди. Тадбир якунида Сергели туман маданият бўлими томонидан рақсга чорловчи куй-қўшиқлар ижро этилди. Оромгоҳдаги болалар ўтказилган барча тадбирларда зўр иштиёқ билан фаол қатнашдилар.

(Ўз мухбиримиз)

*Мустақиллик — тақдирингда*

— Мамлакатимизнинг Мустақилликка эришганига 13 йил тўлаётган бўлса, унинг ҳар бир куни, ҳар бир йили залворли, тарих саҳифаларига муҳрланадиган дамлар, десак асло муболага бўлмайди. Буларнинг барчаси ҳурлигимиз, эркинлигимиз, ўз тилимиз жаранги, эътиқодимиз мустақамлиги, қалбимизда она-юрт меҳри янаям жўш урганлиги боисдир, албатта.

Мустақилликни мустақамлайдиган, мамлакатни жаҳонга танитадиган, шубҳасиз инсонлар, уларнинг самарали меҳнатлари, билим ва куч-ғайратлари, изланиш ва меҳр-шижоатларидир. Юрагида эл-юртга муҳаббат жўш урган одам борки, ҳар бир ютуқ билан фахрланади, агар унда ўзининг ҳам озгина ҳиссаси бўлса бунда кўкка етади.

Мустақиллик тадбиркорлик ривожига, хунармандчилик равнақига ўзига хос аҳамият касб этди, ишбилармонлар учун кенг имкониятлар эшиги раvon очилди. Ахир дилида ўти бор инсон бундан фойдаланмай бўладими? Азалдан ота-боболаримиз уста хунарманд ўтишган. Тарихий обидаларимиз бунга яққол мисолдир.

Халқимиз қўли гул уста хунармандлар макони, десак асло янглишмаймиз. Миллий қадриятларимизни тиклаш, шарқона урф-одатларимизни сақлаш, ўзлигимизни англашда хунармандларимизнинг ҳиссалари бекиёс.

Ўртимизнинг жаҳонга юз тутишида ҳам бетакор санъат дурдоналари яратаётган хунармандларнинг ўз ўрни бор. Шу боис

ҳам мустақиллигимизнинг илк иллариданоқ хунармандлар ишига юксак баҳо берилиб, уларга қатор қўлайликлар, имкониятлар яратилди.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган хунармандлар расталари, савдо дўконла-

га сазовор бўлганимиз юртимиз муваффақияти, Истиклол шарофати эканлигини барча эътироф этиши аниқ.

Мен ота-боболаримнинг хунарига иҳлос қилиб 15 йилдан бўён халқ амалий санъатининг қадимий тури бўлмиш сандиқ-созлик ҳамда миниатюра билан шугулланиб келаман. Мустақиллик берган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, изланиб, ҳаракат қилиб бугунги кунда элга танилдим. Ҳар бир асаримда ўз йўналишимни яратишга интиламан. Маданиятимизнинг наққадар юксалигини, бекор санъат асарлари ярата олишимизни амалда исботлашга интиламан.

Изланишларим зое кетмаепти. Шогирдларим ҳам камол топяпти. Мустақилликнинг ўтган даврида муваффақиятларим ҳам ўзгача бўлди. 1998 йилда «Ташаббус» кўрик-танловининг пойтахт босқичида биринчи ўринни кўлга киритиб, «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлдим. Жорий йилда эса танловнинг республика босқичида фахрли 2-ўрин соҳиб бўлдим. Яқинлашиб келаётган Энг улуг, Энг азиз байрамни бир қатор ютуқлар ҳамда дилда эзгу орзулар билан қарши олаёпман. Янги-янги санъат асарларим билан жаҳон аҳлини ҳам лол қолдириш ниятим бор. Шундай келажаги буюк, имкониятлари кенг мустақил юртда ушбу мақсадимга албатта эришаман. Мамлакатим олтин тахтим бўлса, хунарим — туганмас бахтим эканлигини ҳамisha ёдимда тутаман.

**ЎЗБЕКISTON**

13

**ЎУНАРИМ — БАХТИМ**

• Убайдулла КОСИМОВ, «Ташаббус-98» ва «Ташаббус-2004» кўрик танлови шаҳар босқичи ғолиби, «Энг яхши хунарманд» номинацияси эгаси:

ри, хорижий ярмаркаларда иштирок этишдаги амалий ёрдамлар бунга мисол бўла олади.

Айниқса, анъанага айланиб қолган Президент соврини учун «Ташаббус» кўрик-танловлари тадбиркорлар ва хунармандларимиз сафини кенгайтириб, уларни эл-юртга танитмоқда. Ана шундайлар орасида мен ҳам борлигимдан қалбим фахрга тўлади. Истиклол туфайли мен ҳам хунарманд сифатида жаҳоннинг жуда кўплаб давлатларида Ватаним шўҳратини ёйишга, бетакор санъат асарларини намойиш этиб, муваффақият қозонишга муваффақ бўлдим. Буни мустақилликнинг буюк неъматлари эканлигини чин дилдан эътироф этаман. Германия, Франция, Венгрия, Австрия, Голландия, Япония, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Қозғистон ва бошқа кўплаб давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда санъатимизга тан беришгани, олиқилар-

Тадбирда шаҳар, туман «Маҳалла» жамғармаси вакиллари, маҳалла оқсоқоллари ва хотин-қизлар комиссиялари раислари, шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими бош бошқармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний» жамғармаси, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Ҳисобот йиғилишида Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Ақромов сўз олиб, йилимизнинг Меҳр ва мурувнинг йили деб номланиши маҳаллаларда кам таъминланган ва ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлашга, кеска авлодга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга, шунингдек, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маънавий ва ахлоқий тарбия билан боғлиқ миллий қадрият ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилишда муҳим омил бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, муҳтож бўлган, кам таъминланган оилалар ва инсонларга кўмак бериш йўлида шаҳар ва туман «Маҳалла» жамғармалари томонидан 2004 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида 59.654 нафар фуқароларга жами 255.708.218 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди, — деди жумладан Рихситилла Ақромов. — Шунингдек, турли бахтисиз ҳодисаларга учраган, уйлари ёнган, таъмирлашга муҳтож бўлган хонадонларга ҳомийлар кўмагида 9.145 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шу кунгача шаҳар «Маҳалла» жамғармасига фуқаролардан жами 53 та ариза тушган бўлса, шулардан 27 таси моддий ёрдам сўраб, 24 таси шикоят аризалари, 5 таси хона ажратиб бериш мавзуларида эди. Бу йўлда ҳам 3050 минг сўмлик моддий ёрдам кўрса-

тилли. Наврўз ва Мустақиллик байрамларимизга тайёргарлик кўриши, Умумхалқ ҳашарларини ўтказиш, бу борада Вазирлар Маҳкамаси ва шаҳар ҳоки-

маси бўлиб шахримиз маҳаллаларида 590 та спорт иншоотлари мавjud, шулардан 265 таси футбол майдончаларига эга. 2004 йилда 62 та спорт иншоотлари қурилиб, 25 таси

масъулликни унутмаган ҳолда иш юритсак олдимизда турган вазифа ва муаммоларни ҳал эта оламиз.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бораидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг шу Фармон ижроси йўлидаги қарори юзасидан шаҳар маҳаллаларида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, маҳалла гузарларида оилаларга ҳуқуқий, маънавий, тиббий йўналишларда маслаҳатлар беришни ташкил қилиш, соғлом оилани шакллантириш ҳамда мустақамлаш мақсадида ёш оила патронажини янада кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Д.Маҳамдалиева, жамоат тартиби ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда маҳаллаларнинг ўрни тўғрисида шаҳар ИИББ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи Н.Уралов, маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан олиб берилаётган фаолият бўйича Сергели ва Чилонзор туманлари «Маҳалла» жамғармалари раисларининг маърузалари ҳам тингланди.

Тадбир сўнггида барча билдирилган фикр-мулоҳазалар, тавсия ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда тегишли қарор қабул қилинди. Қизгин, мунозарата бой тарзда ўтган йиғилишдан маълум бўлибди, келажакдаги эзгу юмушлар учун қилинган ишларга бир назар ташлаш фақат яхшилик ва юрт ривожига учун қизмат қилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

*Маҳалла*

**ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ**

Бугунги кунда маҳаллалар тўғрисида гап кетганда беихтиёр кўз олдимизда ораста, обод, сўлим маскан жонланади. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ўзини-ўзи бошқариш тизимида бўлган катта эътибор туфайли маҳаллаларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий мавқеи юксалиб, у фуқароларнинг моддий, маънавий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган, миллий қадрият ва урф-одатлари тобора ривож топган тузилма сифатида намоён бўлмоқда. Куни кеча Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасида бўлиб ўтган йиғилиш ҳам айнан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимида олиб борилаётган ишлар, эришилган ютуқ ва мавjud камчиликлар, Меҳр ва мурувват йилининг ўтган олти ойи мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланди.

мининг қарорлари ижроси йўлида катта юмушлар амалга оширилди. Хусусан, Умумхалқ ҳашарида 1180.4 минг нафар фуқаролар иштирок этди. 23107 гектар майдон ободонлаштирилди, 767,2 километр ариқ ва зовурлар тозаланди, 113 та зиёратгоҳ ва қабристонлар тозаланиб, 3624 тонна маъийиш ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди, 54904 туп мевали, 48640 туп манзарали дарахлар, 205210 туп ҳар хил турдаги гул кўчатлари экилди, 982879 туп дарахларга шакл берилиб, оқланди. Бу ишларга 1200 та техника воситалари жалб қилинди, ҳашар йўли билан 1691 квадрат метр уй-жойлар таъмирланди.

Бугунги кунда маҳаллаларда оммавий спортни ривожлантириш йўлида ҳам аниқ ишлар амалга оширилмоқда. Ҳам- жорий таъмирдан чиқарилди... Шу ўринда қилинган ишларга назар ташлар эканмиз, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, эришилган ютуқлар билан бирга ҳали муаммоли, ечимини тола олмаётган ишларимиз ҳам бор. Жумладан, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида мутасадди ташкилотлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазга қилиш бошқармаси, бандлик хизматлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш, меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш каби ишларга жиддий киришишимиз лозим. Ҳар биримиз ўзимизга билдирилган ишончга муносиб бўлиб,

— Ёзинг жазирама, иссиқ кунда бир пиёла чой ичиб суҳбат қуришга нима етсин, — дейди ота-хонлардан бири иккинчисига.

— Қўқ чой эса ҳам чанқоқни қондиради, ҳам минг дардга шифо, — дея шерининг фикрини давом эттиради иккинчи отахон.



Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

Дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган буюқ Хитой файласуфи Конфуций: «Хамма бало-қазоларнинг бош мезони — эътиборсизлик, бошбошдоқлик, сансалорликдан бошланади», деган эди. Конфуцийнинг ёруғ оламини тарқ этганига мана неча аср ўтди, ўтаётти ҳам. Аммо заррача бўлса-да бу ҳақ ўзларинг кадр-қиммати, залвори ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Билъакс, кундан-кунга юқоридаги фикрлар шамчирोगи ўзидан нурафшон нурлар сочмоқда.

Бугуннинг гани

«АГАР ОГОҲ-СЕН...»

Мамлакатимиз Истиқлолга эришганидан буён бевосита Ўртабшмининг сай-ҳаракатлари, ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан олиб борилганда оқилна сиёсат натижаси ўлароқ кейинги йилларда юрт дахлсизлигини сақлаш, давлатимизнинг стратегик имкониятларини кенгайтириш борасида хайрли ишлар амалга оширилди. Аввало, юртимиз осмонинг бехатарлиги, тинчлигининг посбонлари бўлган Қуролли Қўларимизнинг жанговар тайёргарлиги ривожланган давлатлар андозаларига мос ва хос тарзда қўриб қилинди. Бугун ўзбекининг мана-ман деган ўғлини Ватанинг озодлиги, ота-она, опа-сингил, ака-укасининг тинч, осойишта ҳаёти учун масъуллигини ҳис қилиб яшамоқда.

Аммо, халқимизда «Мевали дарахтга тош отишад», деган мақол бор. Шу маънода Ватанимиз Истиқлоли ва истиқболга дахл қилишни мақсад қилиб олган, турли ғаламиз тўдаларнинг гирмиллаб юргани барчамизга маълум. Бу аён ҳақиқат, айниқса, шу йилнинг кейинги ойларига Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятининг Гиждувон туманида содир этилган қўпоровчилик ҳаракатларида ўз тасдиғини топди.

Хўш, шундай масъулиятли, кези келганда жасорат, матонат туйғулари талаб этиладиган лаҳзаларида сиз-у биздан нима талаб этилади?! Бор овоз билан айтмиш мумкинки: огоҳлик. Бугун огоҳ бўлиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам, ҳамфикр одимлаш замон талаби, давр эҳтиёжи эканлиги ой билан кундай равшан бўлиб бораётти. Агар фикрларимизни образлиштирадиган бўлсак, ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий айтганидек: **Агар шоҳ, огоҳ сен-сен, Агар огоҳсен сен, шоҳ-сен.** Устоз шоиримиз Абдулла Орипов «Хар қисматга хар кимнинг даврони сабаб бўлмай», деганларидек, биз давр фарзандларимиз, давр эса биздан ўз юртимизни, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз ўзимизнинг талаб этмоқда.

Тазеътон илҳами

УСТОЗ ШОИРНИ ХОТИРЛАБ

Хурматли тахририят ходимлари! «Тошкент оқишони» газетасига мурожаат қилишимнинг сабаби мен 1970 йилдан буён ушбу газетанинг ашаддий мухлисиман.

Авалло, «Оқшом» газеталарининг ҳозиржавоблиги, муштарийлар кўнглидаги гапларни топиб мақолалар ёритилиши, «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» рукин остида донишманд ота-боболаримиз ҳикматларининг мунтазам чоп этилиши хар бир газетхонни бефарқ қолдирмайди, десам муболага бўлмас керак.

Дарвоқе, кейинги вақтда газета тахририяти газетхонларнинг мактублари асосида «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифасини ташкил этиб жуда хайрли ишга қўл ургани каминани хурсанд қилди.

Энди гапни кўп чўзмай, муддаога ўтсам. Болалик йилларимда, аниқ эсимда йўғу, «Тошкент оқишони»да хурматли ва сеvimли шоиримиз Пўлат

Тахририятдан: Марғилондан келган мактуб очиги бизни жуда қувонтирди. «Тошкент оқишони» газетасининг Фарғона водийсида, хусусан, Марғилон шаҳрида ҳам мухлислари борлиги ноқамтар-қамга йўйманғу тахририят ходимларининг меҳнатлари бе-самар кетмаётганлигидан дарак беради. Мастураҳон Ёқубова шешрий машқларига келсак, самимий, раван ёзилган. Албатта, ушбу машқлар бадий адабиёт талаб бўлиши истаги тугади. Шу-шу камина ҳам шеш, ар машқ қила бошладим. Аммо, шоиримизни зиёрат қилиш менга насиб этмади. Ҳаёт экан, начора, устоз шоиримиз Пўлат Мўмин ҳам 80 ёшларида оламдан ўтдилар. Камина гойибона устозимга атаб шеш қораладим. Илоҳи бўлса мазкур шешримиз газетангизда эълон қилсангизлар бошим осмонга етарди.

Мастураҳон ЁҚУБОВА, Марғилон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 501-уй, 37-хона.

СИЗНИ ЯНА ЭСЛАДИМ

Райхон исин олиб келар шаббода, Капалаклар ўйнаб учар ҳавода. Ҳаёлларим чарх урар куйнавода, Устоз шоир, Сизни яна эсладим.

Саҳий кўёш бошимда чарақлайди, Маҳзун кўнглим далаларни кўмсайди. Болалигим шояд қайтиб келсайди, Устоз шоир, Сизни яна эсладим.

Ҳофизлар хонишига кулоқ солгандим, Айтар кўшиқларини ёдлаб олгандим. Мен содда киз, сизни суйиб колгандим, Устоз шоир, Сизни яна эсладим.

Булбул нағмаси тўлдирар ошённи, Назмдай гўзал кўраман бу чаманин. Унутиб бўларми Сиздек инсонни, Устоз шоир, Сизни яна эсладим.

Искандар РАҲМОН

ХАТЖИЛЛАРНИ ҚАЙЧИЛАГАНДА

Хурматли тахририят ходимлари, сизларга хат йўллашимдан мақсад барча «оқшом»хонларга она меҳри нақадар улғурлигини яна бир қарра ўз ҳикоям орқали тасвирлаб беришим. Мана бу йил пойтахтга келиб таҳсил олаётганимга ҳам озми-кўпми уч йил бўлди. Шу уч йил ичида онажонимни кумсаб ўтган соғинчи кунларим, уларни кўргим келиб йиғлаб қийналган пайтларим ҳам бўлди. Гоҳида шаҳарлик ўртоқларимга ҳавасим келарди. Уларнинг меҳрибонлари ўз олдида, соғинч нималигини би-лишмайди ҳам. Аммо яқинларинг бағридан қанча йироқда бўлсанг, уларга тобора меҳринг ошиб боравераркан. Кўнглинг соғинч ҳисси билан лиммо-лим лаҳзаларда нималарнидир қоралагинг, юрагингиздаги туйғулари оппоқ қорозга тўкиб солгинг келади. Сизга тақдим этаётган куйидаги ҳикоям ҳам онаизоримга бағишланган.

ХАВОТИР

Гулсара холати қишлоғида-гилар «баҳирок хола»деб аташди. Бунга унинг ўзи ҳам кўникиб қолган. Еши 60 га яқинлашган бўлсада, халигана уни йиғилидаги шижоат тарқ этмаган. Биргина бош оғриғини ҳисобга олмаганда тўрт му-часи соғ, ғайратли онахонлардан.

Аммо хар ойнинг охириги кунларида аяни тушқун кайфияти кўришиб, кўпчилик бундан ажабланишарди. Қўрганлар икки ўғлини уйлантириб, уйл-жойли қилган, келинларидан ёйчиган, ҳамма жойда бемалол катта гапир олладиган Гулсара аянинг бундай кайфиятига нима сабаб бўлганини тушуна-вермайдилар.

Мана бугун ҳам ойнинг охириги кун, аянинг безовта-лиги ошган. Келинлари тайёр-лаган иссиққина ширчойдан кўзини узмаган ҳолда хаёлга чўмиб ўтирарди. Шу пайт катта келини кичкина кизчасини етаклаб ошқонага кирди. Қиза-лоқнинг эркаланишидан Гул-сара хола бир оз қалиб, унга пийлада чой куйиб берди. Кўкчойнинг шамаси кўп-лигидан пийлада ҳам икки донна шамма айлана бошлади. Бунг кўрган қиздоқ чапак чалиб.

— Эна, бугун аммам кевди. Ана меҳмон пийлада юйибди, — деди ўзига хос чучук тилда.

Озода РАҲМАТОВА, Ўзбекистон Миллий университети учинчи босқич талабаси.

Истиқлолимиз шарофати билан жонажон Тошкентимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, янги-янги, чиройи кўзини қамаштиргудек бинолар қурилди ва қурилмоқда. Транспорт қатновини яхшилаш мақсадида кўп-кўп қурилди, ер ости йўллари қурилиб фойдаланишга топширилаётганлиги, йўлсозларимиз меҳнати тўғай-ли шаҳримиз кўчалари текис ва раван холга келганлиги кишини қувонтиради. Бирок...

Тазеътон танқиди

ГўЗАЛЛИККА ДОГ ТУШМАСИН

Маълумки, хар бир бозор ёнида ҳамшаҳарларимизга қўлайлик яратиш мақсадида бекатлар қад рост-лаган. Бу табиий ҳол. Аммо, ана шу бекатларда «ин қуриб олган» аудио, видео кассеталар билан савдо қилувчилар очиги, асабини қақшатаётганликлари аниқ. Бу холга тоқат қилиб бўлмайди. Маълумки, бозорга кир-веришда ва метро бекатлари ёнида баланд овозда видеокассетани маг-нитофонга қўйиб ўзига харидор ча-қираётганлар бошқаларнинг ҳам ҳолатини тушунишса қани эди-я. Ак-синча, мусиқани (кўпинча ёнглин-елли кўшиқлардан иборат кассета қўйилади) кулоқни қоматга келтириб қўйишди. Бу жойда 5-10 дақиқа ав-тобус қутишга тўғри келади камда. Ана шунда қаерга қочшини билмай-сан қили.

Албатта хар бир инсон ёқимли му-сиқанинг шайдоси. Бирок, мусиқа-ни баланд овозда эшитиш кимга ҳам ёқарди?

Тақлифим шундан иборатки, аудио, видеокассеталар билан сав-до қилувчиларга бозорлардан, бе-катлардан йироқ холи жой ажратил-са. Ана шунда асаббузарликка чек қўйилади. Хулоса қилиб айтганда, метро бекатлари ёнида, бозорларга кираверишда гўзалликка дог бўла-ётган бу холат ҳам барҳам топар эди.

Нажмиддин МУҲИДДИНОВ, меҳнат фахрийси. Шайхонтоҳур тумани, Усмон Ҳўжаев кўчаси.



Мамлакатимизда Мустақиллигимизнинг 13 йиллик тантаналари нишонланганидан кунларга ҳам оз фурсат қолди. Шу ўтган қисқа вақт ичида юртимизнинг хар бир гўшасида, хусусан жонажон Тошкентимизда хар бир соҳада ижобий ўзгаришлар, янгиликлар шўқиб бераётганини тан олмай йўлимиз йўқ.

Айниқса, демократик-хуқуқий жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг натижасини ҳозир-данок пайқаш мумкин. Аввало, юртодошларимизнинг онги шаклланимоқда, дунёқараши ўзгармоқда. Истиқлол шарофати билан юз бераётган хар бир ўзгариш ҳамюртларимизнинг назаридан четда қолаётгани йўқ. Буни сиз азизлардан тахририятимизга келаётган мактублар, телефон кўнгиноқлари исботлаб турибди. Қувон-нарлиси, ушбу хатларда ютуқлар билан бир қаторда айрим соҳаларда юз бераётган камчиликлар танқид қили-нади, тақлифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилади. Демак, бемалол айтишимиз мумкинки, «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси материаллари сиз азизларни бефарқ қолдирмаепти.

Шу боис тахририятимизга мактуб йўлланг, сим қоқинг, унутманки, сизлардан келаётган мактублардан имко-ни борича фойдаланамиз. Ҳамкорлигимиз давом этади.

Дарвоқе, манзилимизни яна бир бор эслатиб ўтаимиз. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй. Телефон: 133-08-74.

Сабаби, илгари метродан чиқингингиз биланок, ҳаммаёқ саранжом-сарийшта, гуллаб-яшнаган, обод ва кўм-кўк хиё-бон, гулзор эди. Энди эса, аяни шу манзилда бирданга қаровсиз, таш-ландик майдон, хиёбонга дуч келиб, ҳайратланасиз. Дарҳақиқат, сўнги йилларда шаҳримиз кўча, майдон ва хиёбонлари тобора обод ва кўркам бўлмоқда. Буларнинг барчаси одам-ларимизнинг юксак дид-фаросати, маънавияти, ички ва ташқи мадания-ти билан боғлиқ албатта.

Мисол учун юқорида тилга олган-нимиз метронинг «Чилонзор», «Со-бир Раҳимов» бекатлари оралигида фаолият кўрсатаётган «Дўстлик» су-пермаркети, «Жасмин» гўзаллик са-лони, «Кристалл» ресторани олди-даги олиб борилаётган ободонлаш-тириш ишлари хар қанча тахсир ва эътиборга лойиқ. Бирок, бундай илиқ сўзларни кўп қаватли 24-уй ости-тидаги озик-овқат дўкони, милиция назорат-таянч нуқтасидан кейинги катта майдонлар, элга машхур ва манзур бой-бадавлат савдо-сотик ташкилотлари, хусусан «Совпластиял», «Комфорт», «Business» мебель», ташки-ли савдо ҳиқозлари мажмуалари жой-лашган ҳудудлар ҳақида айтишга очиги, тил айланмайди. Акс ҳолда бу атрофдаги, кўча юзидаги, йўлқалар, ариқларда ахлат, ташландиқлар, чи-қиндилар уюм-уюм бўлиб ётгани, бу

ерлар нафақат ҳафталар, балки бир неча йиллар мобайнида супурилиб-си-дирилмагани, дов-дарахтлар бетартиб

Қуноқлик билан ёзимган ЛОҚАЙБЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Йўлнинг тушиб, Халқлар Дўстлиги шохкўчаси бўйлаб, метронинг «Чилон-зор — Собир Раҳимов» бекатлари ора-лигида бор-йўғи 300-400 қадам сайр қилсангиз, икки хил ажиб манзарга кўзингиз тушади. Уларнинг биридан қалбингиз зайқ-шавққа тўлиб, кўзингиз қувонса, иккинчисидан юрагингиз орқа-га тортиб, таъбингиз тирриқ бўлади, кайфиятингиз бузилади. «Тавба! Бу қандоқ бўлди? Бир пасда қаерга келиб қолдим? Тушимми, ўнгим?» дея ўйлаиб қоласиз.

ўсиб, тарвақайлаб кетгани, ўт-ўланлар-нинг сувсизликдан қуриб, сарғайиб ётганини қандай изохлаш мумкин? Ахир шу мақолада нафақат ўз шахсий, балки эл-юрт манфаатлари йўлида фа-олият кўрсатаётган йиғилми, инсофли, ориятли, дид-фаросатли, фидойи юр-тодошларимиз, масъул раҳбар ходимла-

римиз борку? Наҳотки, улар ўзлари хар кун иш-лаб, тирикчиликлари ўтаётган қошона, остона, майдон, хиёбонни саранжом-сарийшта туттиш, обод ва кўркам қилишга шунчалик бефарқ, лоқайд бўлишса?

Қолаверса, бундай хайрли ва саво-бли ишларни амалга оширишининг ўзбекона, шарқона йўллари, имко-ниятлари кўп-ку! Қачонгача, «Олма пиш, оғзимга туш!», «Берсанг ейман, бермасанг ўламан», «Сен менга те-ма, мен сенга теғмай» қабилида ҳаёт кечиримиз?

Жаннатмакон юртимизнинг хар бир қарич тупроғи, хар бир гўшаси, бизники, ўзимизники-ку! Қачон бу олдий, ҳаётий ҳақиқатни барча юр-тодошларимиз бирдай англайди, тушу-нади?

Хуллас, шаҳримизнинг энг гавжум, серқатнов шохкўчаси атрофдаги икки хил манзара ҳамшаҳарларимиз-ни чучук уйлантиради, деган фикр-даимиз. Бу борада айнан шу кўнанинг нариги бети, Тошкент шаҳар божхо-на кўмитаси, Фуқаро муҳофазаси инсти-тути ҳамда Халқ банки жойлашган кат-тагина ҳудудларнинг ташқи кўриниши, бу ерларда олиб борилаётган ободон-чилик, кўкаламзорлаштириш ишлари ён қўшиллар учун ибрат намунаси бўлиши мумкин.

Бизга жавоб берадилар

«ОҚШОМ»ДАН МИННАТДОРМИЗ

Газетамизнинг жорий йил 29 июнь сонидида «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифасида Яқкасарой туманида яшовчи меҳнат фахрийси Баҳодир Шокаримов қаламига мансуб «Мутасаддилар ўйлаб кўришар» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда узок йиллар транспорт соҳасида меҳ-нат қилиб ҳозирда қарилк гаштини сураётган фахрийларга транспорт хизматидан имтиёзли фойдаланишинг имкони бор-йўқлиги сўралганди. Яқинда ушбу мақолага харбий тартиқасида «Тошшаҳарйўловчигитранс» акциядорлик компанияси раисининг ўринбосари Тўлқин Дадабоев имзоси билан мактуб олдик. Куйида ушбу жавоб хатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Жорий йилнинг 29 июнида «Тошкент оқишони» газетасида чоп этилган «Мутасаддилар ўйлаб кўри-шар» сарлавҳали мақола «Тошшаҳарйўловчигитранс» акциядорлик компанияси йиғилишида муҳокама қилинди.

Авалло, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Шаҳар йўловчилар транспорти-дан бепул фойдаланишинг тартибга солиш тўғриси-да»ги 1996 йил 30 августда қабул қилинган Қонунига асосан жамоат транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уру-ши қатнашчилари, уруш ногиронлари ҳамда иккин-чи жаҳон уруши биринчи гуруҳ ногиронига ҳамроҳ-лик қилувчи шахслар, Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатлар ҳудудлидаги жанговар ҳара-катларда қатнашган соёбқ байналмилалчи жангчи-лар, ҳақиқий муддатли харбий хизматни ўтаётган хар-бий хизматчилар, старшиналар, прапорщиклар, катта прапорщиклар, мичманлар, катта мичманлар, Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш ка-салига чалинганлар, кўзи ожиз ногиронлар ҳамда кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахслар

агадилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-камасининг 2004 йил 12 апрелдаги 170-сонли қаро-ри билан шаҳар йўловчи ташвиш транспортидан бе-пул фойдаланувчилар рўйхатига харбий хизматчи-ларнинг сержантлар таркиби ҳам киритилди. Шу боисдан ҳам мақолада кўтарилган масалани ижобий ҳал этиш «Тошшаҳарйўловчигитранс» акция-дорлик компанияси вазолатига кирмаслигини яна бир бор таъкидлаймиз. Ва эслатиб ўтмоқчимизки, пен-сионерлар шаҳар жамоат транспортидан фойдала-нишга олдиёғина, бир неча бор арзон бўлган «Н», «NM» серияли ойлик йўл чипталарини харид қилиш-са аяни муддао бўлади. «Тошшаҳарйўловчигитранс» акциядорлик компани-яси шаҳар жамоат транспорти тизимидаги допозар мавзуларини ёритаётганлиги учун «Тошкент оқиш-они» газетаси тахририятига ўз миннатдорчилигини билдиради. Шунингдек, мамлакатимизда қонун ус-туворлиги сиёсати илгари сурилатилган бир пайтда юқоридаги каби қонун бандлари билан газетхонлар-ни яқиндан таништириб боришда «Оқшом» газета-лари ўз ёрдамини аямайди деб умид қиламиз.

Хумоюн АЛИЕВ

## Шарқ дурдоналари

## ОЗ-ОЗ ЎРГАНИШ ДОНА БЎЛУР...

• Беш ҳислат кишини ҳар ерда азиз сақлаб, унинг дўстини кўпайтиради: ёвузликдан қўл тортса, яхшиликни шиор қилса, тўхмат қилишдан этак силкитса, хушхулқ, сўхбат одобига риоя этса.

• Қайковус айтади:  
— Фирибгарлардан эҳтиёт бўл ва ўзинг ҳам кишиларни алдама, чунки кишиларни алдайди ва уларни алдадим деб гумон қиладиган ҳар қандай киши хато қилади — у ўзини ўзи алдайди.

• Абу Али ибн Сино айтади:  
— Одамларнинг ботири мушкулотдан кўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг кўрқоғидир.

• Саъдий Шерозий айтади:  
— Дилга марғуб бўлган кўзга ҳам мағбуб бўлади.

• Абдул Аъло Маарри айтади:  
— Инсон ўз уйининг эшигини беркитиб, вужудини сақлай олади, лекин қалб эшигини беркитишдан ожиз бўлади, қалбига қайғу-алам кўп вақт ҳужум этиб туради.

• Бир донишманд айтади:  
— Меҳнат одамни катта фалокатдан — гамгинликдан, муҳтожликдан, энг асосийси — касалликдан халос этади.

• Нафсонинг давоси очкўзликни тарк этиш, ҳарисликка йўл қўймасликдир.

• Очиқ душман яширин душмандан хавфсизроқдир.

• Самимий дўст сени хайрли йўлга бошлайди. Ёмон йўлга бошлагани асло дўст ҳисоблама.

• Бу дунёда ҳамма нарса ўзгаради, фақат фазилат ўзгармайди.

• Ақли кишилар ғийбатчилардан узоқ бўладилар, чунки ғийбат энг ёмон одатлардан бўлиб, келтирадиган зарари кўпдир.

Байт:  
**Айтмагил ғийбат сўзин, ҳам унга ҳеч солма қулоқ, Ундан озгинг ҳам, қулогинг пок бўлса яхшироқ.**

• Олимлардан Фахриддин Розий айтади:

— Тиланчини қуруқ қайтариш, жоҳил билан ҳамсўхбат бўлиш, молу дунё орттиришга ҳарислик ва оиласини маишат жиҳатидан тангликда қолдириш бадбахтлик нишонасидир.

• Машҳур донишманд Бузуржмеҳрдан: «Билимни нима нарса безайди? Шижоатничи, саҳийликничи?» деб сўрадилар.

Донишманд айтди: «Билимни — тўғрилиқ, шижоатни — афғ қилишлиқ ва саҳийликни — очик юзлилик ва ширин сўзлик безайди».

• Олимлардан Шайх Жуманд айтди:

— Ёлғон сўзлаш эзмалиқ, такаббурилик, чақимчилик кишининг обрўсини йўқотади. Вафодорлик, сабр қилишлиқ, шошма-шошарликдан парҳез этиш ва тавозе обрўни кўтарди.

## Ўзбекистон ва Ҳаҳон



## ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Ўзбекистонлик бир гуруҳ ўқитувчилар Буюк Британияда замонавий ахборот технологиялари курсида таҳсил олиб қайтди.

Жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти "Истеъдод" жамғармаси ва "Аспект" халқаро ташкилоти ўртасида Буюк Британия таълим марказларида Ўзбекистонлик ўқитувчиларнинг малакасини оширишда ҳамкорлик қилишга оид келишувга эришилган эди. Орадан икки ой ўтгач, мамлакатимиз вилоятларидаги университетлар ўқитувчиларидан 16 нафари "Аспект" халқаро ташкилотининг Борнмус шаҳрида жойлашган ахборот технологиялари ўқув марказида таҳсил ола бошладилар.

Бу ерда мамлакатимиз вакиллари Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юртликлари талабаларга таҳсил беришда кенг қўлланилаётган илғор компьютер технологиялари ва дастурлари билан танишдилар.

— Марказдаги машғулотларни юқори малакали мутахассислар олиб бориша-

ди, — дейди ўқув марказининг таълим масалалари бўйича директори Жанет Пантер. — Ўзбек мутахассислари учун қисқа муддатда кўпроқ маълумот беришга йўналтирилган янги дастур ишлаб чиқдик. Гуруҳ аъзолари томонидан тайёрланган ўқув компьютер дастурлари ушбу услуб самарадорлигидан дарак бермоқда.

Ташкилот минтақавий менежери Саймон Гучнинг сўзларига қараганда, истиқболда "Аспект" ва "Истеъдод" ҳамкорлигида ҳар йили Буюк Британияда мамлакатимизнинг бир неча гуруҳ ўқитувчилари малакаси оширилади. Шунингдек, Ўзбекистонлик тингловчилар учун "Аспект"нинг Буюк Британия ва АҚШда жойлашган ўқув марказларида бизнес ва юриспруденция бўйича ҳам курсларни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Мана икки йилдирки Москва остана-сидаги гўзал табиат кўйида жойлашган «Московия» соғломлаштириш оромгоҳида рус тилини ўрганиш ёзги халқаро мактаби фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда Ўзбекистондан ташриф буюрган 16 нафар ўқувчи МДХ ва Болтқиқ мамлакатлари, Болгария, Сербия ва Черногориядан келган тенгқурлари билан биргаллик ёзги таътилнинг бир қисмини ўтказишди.

## «МОСКОВИЯ»ДА МЕҲМОНДА

Кўплаб қизиқарли тадбирлар орасида, айниқса, миллий маданиятлар фестивали болаларда катта таассурот қолдирди. Унда вакилларимиз томонидан намойиш этилган қўшиқ ва рақслар дастури олқишлар билан қутиб олинди.

Ватанга қайтиш арафасида ўзбекистонлик ўқувчилар мамлакатимизнинг Москвадаги элчиҳонасида меҳмонда бўлишди. Россия пойтахтининг марказида қад ростлаб турган Алишер Навоий ва Мирзо Улуғбек ҳайкаллари пойга гуллар қўйишди.

## «ЕТАКЧИ БЎЛИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛ»

Буюк Британиянинг Сандхёрст Қироллик ҳарбий академиясининг шиори ана шундай мазмун касб этади. Академиянинг энг яхши хорижлик тингловчиси деб тан олинган Ўзбекистон Қироллик кучлари катта лейтенанти Пўлатжон Сотволдиев ушбу сўзларга қатъий риоя қилади.

қўламадаги академик ва ҳарбий билимлардан тузилган мураккаб тест синовлари асосида ўтказилади ва бундан номзоднинг жисмоний тайёргарлигига ҳам катта эътибор берилади.

Пўлатжон Сотволдиев ўтган йилнинг октябрь ойида Беконсфилд шаҳрида тил тайёргарлиги курсларини муваффақиятли якунлаганидан сўнг академияга қабул қилинди ва у МДХ давлатла-

ридан ягона вакил бўлди.

Уч ўқув семестри якунлари бўйича П.Сотволдиев академик билимлар, ҳарбий иш, жанг олиб бориш тактикаси, қўмондонлик тажрибаси, жамоатчилик билан алоқалар ва жисмоний тайёргарлик каби барча фанлар бўйича энг юқори балларни тўплади.

Қиролчица Елизавета II нинг ўғли, шаҳзода Эдвард битирувчилар ҳарбий на-

моишида ҳамюртимизга Буюк Британия Қироллик ҳарбий академиясининг олий мукофоти — "Ифтихор шамшири"ни ("Меч чести") топширди. Анъанага кўра ҳар йили фақат иккита ана шундай мукофот — биттаси маҳаллий ва иккинчиси хорижлик мутахассисга топширилади.

Сандхёрст битирувчилари шарафига ўтказилган тантанали қабул маросимида академия бошлиғи, генерал-майор Ритчи ўзбек офицери муваффақиятини алоҳида қайд этди, шаҳзода Эдвард эса Пўлатжонни олий мукофот билан яна бир марта қутлади.

«Ҳаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.

## МУРУВВАТ ЮКИ ТОПШИРИЛАДИ

Германиянинг мамлакатимиздаги элчиҳонаси томонидан жами 100 минг евро қийма-тидаги тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар, дори-дармонлар, оёқ кийимларидан иборат мурувват юки «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига топширилди.

Жорий йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб номланиши боис «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳам ўзининг узоқ муддатли мурувват дастурини ишлаб чиққан. Ва шу йўлда қатор халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириб бормоқда. Ушбу мурувват да-

стуридан қўзланган мақсад эса Республикамизга керакли тиббий асбоб-ускуналар, тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар, санитария-гигиена воситалари, озиқ-овқатларни мурувват ёрдами сифатида Меҳрибонлик, Мурувват ва махсус болалар муассасаларига, соғлиқни сақлаш тизимлари, кам таъ-

минланган ва юртимизнинг узоқ ҳудудларида яшовчи оилаларга етказиб беришдир. Шуни айтиб ўтиш жоизки, жорий йилнинг олти ойи мобайнида жамғарма томонидан Республикамизга жами 7 миллион АҚШ долларига яқин мурувват юклари келтирилган. Навбатдагиси эса Республика Ташқи ишлар вазирлиги ташаббуси билан Германия Федератив Республикаси ҳамда Германиянинг юртимиздаги элчиҳонаси ҳамкорлигида «Берлин-митте», «Моабит» каби машҳур тиббий муассасалари томонидан келтирилди.

(Ўз мухбиримиз)

**РУСТАМИ ДОСТОН**

(Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга бағишланади)

Сиҳи исмин очунга айлабон достон,  
Дунёни лол қолдириб, қолдириб ҳайрон,  
Қавмига келтириб чексиз шухрату шон,  
Рақибларин мот қилди Рустами достон.

Ўзбекнинг ўғлонлигин этиб намён,  
Жангда дадил от суриб баайни султон,  
Қолдирмайин ҳечкимга заррача имкон,  
Рақибларин мот қилди Рустами достон.

Маҳоратин кўрсатиб, босмай ҳаяжон,  
Алл юришин рақибдан тутибон пинжон,  
Сабру матонатин қилиб имтиҳон,  
Рақибларин мот қилди Рустами достон.

Ўз тadbир усулин этиб ҳукмрон,  
Сипоҳлар мансубасин\* бажариб равон,  
Ҳисор\* айлаб кинавар шохин бегумон,  
Рақибларин мот қилди Рустами достон.

Мухлисга айланиб аҳли мусулмон,  
Хаёлан у билан турдилар ёнма-ён,  
Хос дуолар ижобат, бўлиб бегумон,  
Рақибларин мот қилди Рустами достон.

Шатранж тарихида бўлсада навқирон,  
Не-не алломаларни енгди беомон,  
Соҳибқирондай бўлиб шиддатли ҳоқон,  
Рақибларин мот қилди Рустами достон.

Ҳайратла қалқиди жумлаи жаҳон,  
Оламшумул ютуғи бўлганда аён,  
Мағлубига чектириб озору, нолон,  
Рақибларин мот қилди Рустами достон.

Шодон айлаб дилларни,  
қолдирмай армон,  
Бахту омаддан тузиб, бетакрор қарвон,  
Элу юртига обрўй этиб армуғон,  
Рақибларин мот қилди Рустами достон.

**УМР — ОЛИЙ НЕЪМАТ**


Сўндирма иймон гавҳарин,  
Мамнун бўлиб, каж ниятдан.  
Устун кўйма дунё зарин,  
Умр деган олий неъматдан.

Сўнсада шухрату-шонинг,  
Қолсанг-да кучу-қувватдан,  
Қувонч бўлсин ҳар бир онинг  
Умр деган олий неъматдан.

Қулдек сотсалар ҳам ҳатто,  
Ажратиб қавму умматдан,  
Шунда-да воз кечма асло,  
Умр деган олий неъматдан.

Кечсада ҳаёт гурбатда,  
Йироқда зебу-зийнатдан.  
Лек, завқ олабил албатта,  
Умр деган олий неъматдан.

1 Мансуба-комбинация  
2 Ҳисор-ўраб олиш  
3 Кинавар-рақиб

**Шеърнинг қилгани**

«Ой мўралар уялиб»,  
«Унутма» номли шеър  
тўпламларнинг муаллифи  
Абдулла Шоносирнинг асл  
касби шифокор. У бемор-  
лар дардига малҳам  
бўлиб, шифо улашиш би-  
лан бирга уларга маъна-  
вий озиқ беришга ҳам  
қодир. Аслида ҳам шифо-  
корнинг одамларга ши-  
ринсухан муомаласини  
худди шоирнинг инсонлар  
руҳи ва дилига оро берув-  
чи сермазмун, сержило мисраларига қиёс эт-  
гулик. Улар қайси бир жиҳатлари билан бир-  
бирига ўхшашиб кетади. Балки шунинг учун-  
дир, шифокор — шоир Абдулла ШОНОСИР  
уларнинг ҳар иккисининг қўлидан маҳкам тут-  
ган. У шеърсиз туролмайди, эҳтиёжмандларга  
шифо улашмай яшай олмайди. Бу унинг ҳаёт  
мазмуни. Мана шундай игна билан қудук қазиш-  
дай оғир ва шарафли ижод машаққатлари ту-  
файли у ҳам или йўлида, ҳам ижод йўлида янги-  
янги ютуқларга эришиб бормоқда. Сўнгги 3 йил  
ичида шоирнинг бир йўла уч — «Борингга шу-  
кур», «Айирмасин», «Благодарен тебе» номли  
шеърӣ тўпламларининг чоп этилиши ҳам фик-  
римиз далилидир. Куйида сиз азиз ўқувчилар  
эътиборига шифокор, шоир Абдулла ШОНОСИР  
шеърларидан баъзи намуналарни ҳавола этаё-  
тирмиз.

**БЎЛМАСИН  
ДЕСАНГ...**

Бахтим қаро бўлмасин десанг,  
Кўнглим яра бўлмасин десанг,  
Мотам саро бўлмайин десанг  
Элинг бирла бўлгин ҳамиша.

Тутмасангда кўлингга камон,  
Хаста бўлсанг ёки нотавон.  
Не бўлсангда, топибон имкон.  
Элинг бирла бўлгин ҳамиша.

Берсаларда тахти Сулаймон,  
Сийму зардан ботмону-бот-  
мон,  
Омон бўлса бас демайин жон,  
Элинг бирла бўлгин ҳамиша.

Бисотингга қилмайин шукур,  
Ўзга юртдан қидирма ҳузур,  
Дилда сақлаб Ватанга гурур,  
Элинг бирла бўлгин ҳамиша.

Ёзиб эй Абдулла Шоносир  
Юрт севишни фарзандга  
уқтир.  
Токи ул ҳеч бўлмай мусофир,  
Эли бирла бўлсин ҳамиша.

**КЕЛ, МАЛАГИМ**

Кел малагим, гўзал малагим,  
Ҳижронларда жони ҳалагим,  
Сенга етмак орзу тилагим,  
Кел кокилинг келар силагим.

Сенинг бирла кўнгили мусаффо,  
Ҳаёб ширин, ёруғдир само,  
Ҳисларимга бўлиб раҳнамо,  
Келгил ёрим, келгил дилрабо.

Йўлларингга таратиб анбар.  
Келиб кулбам этсанг мунаввар,  
Фақат менмас, само ҳам кулар,  
Кел қийнамай ёрингни дилбар.

Соғинч бўйнига солиб кишан,  
Келиб кўзларим этгил равшан.  
Изларингдан унсин-ей гуллар,  
Атрофимиз қилибон гулшан.

Демай мени ғариб нотавон,  
Рангинамни қилмайин сомон.  
Кўнгилда ҳеч қолдирмай армон,  
Кел ёнима, келгин-ей жонон.

Оҳ малагим, зебо малагим,  
Ўзингдирсанг менга керагим,  
Оҳ малагим, танҳо малагим,  
Фақат сени дейди юрагим.

**ГЎЗАЛ ЁРИМ  
БОР МАНИ**

Бoshда ҳарир рўмоли,  
Тўлин ойдек жамоли,  
Ғунча лабларда боли,  
Гўзал ёрим бор мани.

Парилардек иболи,  
Покизаю зеболи,  
Ғамзаси шарм-ҳаёли,  
Гўзал ёрим бор мани.

Нафис қўллар хиноли,  
Жоду кўзлар жилоли,  
Нафосатга ғиноли,  
Гўзал ёрим бор мани.

Қора қошлар камонли,  
Ширин-шакар забонли,  
Тонг саҳарда тобонли,  
Гўзал ёрим бор мани.

Чин севгига шоёнли,  
Латофатга ошёнли,  
Армонлари поёнли,  
Гўзал ёрим бор мани.

Абдуллага вафоли,  
Муҳаббатда сафоли,  
Дил ҳузурни саболи,  
Гўзал ёрим бор мани.

**Ҳўжалик юришувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда  
тадбиркорлар диққатига!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кен-  
гашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч теле-  
фони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган  
текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефон-  
ларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГА**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари  
ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача  
қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,  
2-қават, 204-хона.

**“ИШЛАБ ТОП!”**

Жаноб тадбиркорлар ва мухтарам қорхона раҳбарлари!  
Биз қондор, иқтисод, тайёрта тўла ёшларимиз. Бизга фойда Сизнинг таърифи ва қўллашнинг сўнатидир.  
Ҳайрат ва тақдирини беллаштиради вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



TOSHKENT  
SHAHAR  
**КАМОЛОТ**  
BO'LMИ



Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» тадбиркорларга «Ишлаб топ!» иқтисодий  
оқинида фоол иштирок этиб, йиллар учун масъумий иш ўринларини  
тақдим этишнинг тоқлиф қилади.  
Қўшимча маълумотларини

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.  
Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз  
мумкин:

[www.tashkentkamolot.uz](http://www.tashkentkamolot.uz)  
[www.2oxygen.com](http://www.2oxygen.com)  
[www.kvn.uz](http://www.kvn.uz)

Акцияда қатнашган тадбиркорларга «Ташвир» нашрийт уйининг барча  
нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

**Спорт**

**ЖАҲОН КУБОГИ БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛАДИ**

Бадий гимнастика қадимий аъналарни ўзида мужассамлаштирган спортнинг аёлларга хос бўлган нафис тури ҳисобланади. Бизнинг спортчиларимиз жаҳон майдонларида спортнинг ушбу тури бўйича кўп бор Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишган ва катта ютуқларга эришишган.

Ўзбекистон Республикасида бадий гимнастикани янада оммавийлаштириш ҳамда хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 июлдаги фармойишига мувофиқ шу йилнинг 28 сентябрь — 2 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи — «Шарқ гўзали-2004» I халқаро турнири бўлиб ўтди. Бу маълум жиҳатдан ўзбек бадий гимнастикаси муваффақиятларининг халқаро майдондаги эътирофи ҳамдир. Хозиргача жаҳоннинг 14 мамлакатидан ушбу мусобақада қатнашиш учун тасдиқномалар олинди. Улар орасида Россия, Венгрия, Малайзия, Ҳиндистон, Мексика, Озарбойжон, Болгария, Белорусия, Япония, Эстония, Словакия, Қозоғистон каби давлатлар бор.

Ушбу мусобақани ўтказувчи ташкилий кўмитанинг йиғилишида халқаро мусобақаларга тайёргарлик масалалари муҳокама этилди.

**КУРАШЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ**

Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича кадетлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган спортчиларимиз эркин кураш тури бўйича куйидаги вазн тоифаларида муваффақият қозондилар. 85 килограммгача вазнда Нагмет Ешатаев Осиё чемпионлигини қўлга киритган бўлса, 42, 50 ва 69 килограммгача вазн тоифаларида Дилшод Шукуров, Ихтиёр Наврўзов, Рустам Раҳимовлар бронза нишонларига эга бўлишди.

(Ўз муҳбиримиз)

Орадан йиллар ўтди. Юра ва Наташанинг муъжазгина хонадонида қиз туғилди. Кичкина Анна ўзининг шўх кулгиси билан ота-онасининг кўнглини хушнуд қила олмади. Рухий жиҳатдан хаста эр ва турмушнинг аччиқ зарбаларидан тўйиб бўлган аёл ўртасидаги муносабат кескинлашиб бораверди. Бу орада кечагина эмаклар юрган Аннанинг бўйи етиб қолди.

Кунларнинг бирида у таниши Мухтор Аҳмедовни уйига бошлаб келди. Ичкарида руҳий хаста Юра ва унинг хурмача қилиқларидан тўйиб бўлган Наташа «уй жанги» қилишар, янги келган меҳмон ҳам аввалига уйдаги нотинчликдан хайратланди.

— Хар куни аҳвол шу, — деди Анна. — Икковининг дастидан уйда тинчлик йўқ.

Кўп вақт ўтмади. Ичкаридан кўзлари олайиб, юзи гезариб кетган Наташа чиқиб келди. Қизи билан совуққина сўрашди. Таниш меҳмонга эса шунчаки мулозамат кўрсатган бўлди.

— Сизларникидаги бу кўнимсизликка чек қўйиш керакка ўхшайди, — деди меҳмон совуқ кўзларини йилтиратиб.

— Нимасини айтсан, — деди Наташа, — Юранинг қилиқлари бизни тўйдирди. Аннани ҳоли-жонига қўймайди, яшашмагур.

Хуллас, ўша куни пинҳона тил бириктирув оқибатида Наташа ўз эридан қасос олиш, аниқроғи уни ўлдириш илнжиди меҳмон Мухторни қотилликка ёллайди.

— Агар ишни муваффақиятли эпласанг, — дейди у сирли жилмайиб. — Қўлингга 50 минг сўм пул, яна ҳисобимдаги «Жигули»ни сенга ўтказиб бераман.

Ана шу тариқа иймон жаҳолатга султ

кетди. Йиллар давомида йиғилиб келган аламзадалик бир кун келиб «портлади». Бўлмаса, Наташа ўзининг жуфти ҳалолни ўлимга рўбарў қилармиди?!

Уша кундан бошлаб Мухторнинг тинчи, авзойи бўзилди. Ахир қувноммай бўладими, бирданига машинали бўлиб қола-

роғини кетма-кет босаётган нотаниш меҳмонни олдиниға танимайди. Кейин билсаки, у қизи Аннанинг ёнидан бир қадам ҳам жилмайдиған шилқим Мухтор экан. Ринат аввалдан муштлашув, яккама-якка олишувга тоқати йўқ эди. Қолаверса, натижаси қотиллик билан яқунланадиган бу зиддият унинг ўтақасини ёриб юборди. Ринат кўркувдан зир титраб ура қочди.

Юра гарчи руҳий ноқис бўлса-да, жисмоний жиҳатдан анча бақувват эди. Олишув бошланди. Асл нияти Юрани ўлдириш, мўмай даромад эвазига чўнтак қаппайтириши орзу қилган Мухтор рақибининг юрагига пичоқ санчоқчи бўлди. Аммо мезбон чапдастлик қилди-ю, пичоқ зарбини ўтказиб юборди.

— Наташа!! — деди Юра ўзини ўнглаб. — Тезроқ милицияга кўнғирок қил!

— Кўнғирок қилишининг нима кераги бор? — деди Наташа пинагини бузмай.

Тенгма-тенг олишув натижасида Мухтор рақибини ер тишлата олмаслигини билди.

— Бўлди, ҳазиллашдим, — деди у Юранинг ёқасини қўйиб юбораркан, — қани тилхат ёз, даъвоим йўқ деган. Юра бosh тортиди...

Ниҳоят жиноят иши судда кўрилди. Инсон жонига қасд қилмоқчи бўлган Наташа Ивановна ва Мухтор Аҳмедовлар жазога тортилди. Хусусан, суд ҳукмига кўра қотилликни амалга оширмоқчи бўлган Мухтор 15 йил-у 6 ойга озодликдан маҳрум этилди.

**Фурқат ҲАСАНОВ,**  
**Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси,**  
**Хидирали ПАНЖИЕВ**  
**журналист.**

*Хукм қилди*

**БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИСАНГ...**

Инсон ҳаётга бир мартаба келади. Умр эса тоғ шамолликке ўткинчи. Аммо, ана шу ҳисобли дунёни мазмуни ўтказиш ҳар кишининг ҳам қўлидан келавермас экан. Наташа Иванова илк мартаба Юрий Малиновни учратиб қолганида бири-бирдан юксак орзулар қанотида биргаликда энг намунали оила соҳибаси бўлишни ният қилганди. Орзуларнинг илк талапоясига қўтлуг қадамлар ташлаган Наташа Юра билан турмуш курдию ҳаётнинг оғир гурзисидан «чайқалиб» кетди. Негаки, унинг турмуш ўртоғи одатдаги эркакларга сира ўхшамас, бош миша фаолияти издан чиққан боис шифокор назоратида турарди.

ди-я! Шу тариқа унинг юрагини эгаллаб олган шайтон ноғора чалар, «занжирбанд» Мухторни ҳар кўйга соларди. Жиний режага кўра у жиноятни бир ўзи амалга оширишни истамади. Кимнидир шерик қилиш истаги бўлди. Шу мақсадда у бор-йўғи 3-синф маълумоти-га эга, безориликдан бошқа нарсани урдалай олмайдиган Ринат Шавалов билан жиний тил бириктирди.

Жиноятчилар совуқ қурол — ўткир тигли пичоқ билан қуролланиб олишганди. Улар манзилга етиб келишганида уй соҳибни Юрий Малинов ҳеч нарсани тушунмаган ҳолда эшикни очди. У эшик қўнги-

*Футбол*

**ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ**

Ниҳоят кўп минг сонли футбол мухлислари орзиқиб кутган мамлакат XIII миллий чемпионатининг иккинчи давра беллашувлари ҳам бошланди.

**ЎТГАН КУНИ** мамлакатимизнинг 7 та шаҳрида ўтказилган 14-тур баҳслари футбол мухлисларига ҳаяжонли дақиқаларни тўхфа қилди. Чемпионат пешқадами «Пахтакор» иккинчи даврани ҳам ғалаба билан бошлади. Ўз майдонидида «Машъал» жамоасини

қабул қилган тошкентлик футболчиларга рақибларини йирик ҳисобда мағлубиятга учратиш қийинчилик туғдирмади. Майдон эгаларининг тўлик устунлигида кечган учрашув 4:1 ҳисобиди яқунланди: Шу куни меҳмонлар дарвозасини Леонид Кошелев уч марта ишол этиш-

га муваффақ бўлди. Бахсининг йирик 4:1 ҳисобиди яқунланиши таъминлаган сўнгги голни Зайниддин Тожиев дарвозага киритди. Сафарда «Қизилқум» жамоаси меҳмони бўлган «Трактор» ҳам ушбу турда сермазун уйин намойиш этди. Жанговар ку-

рашлар остида кечган беллашув 1:1 ҳисобиди яқунланди. Тўплари дарвозаларга «Қизилқум»дан Тўраҳўжаев, «Трактор»дан Соломинлар йўллашди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Навбахор» — «Насаф» — 1:0, «Самарқанд» — «Динамо» — «Бухоро» 0:1, «Сўғдиёна» — «Локомотив» — 2:0, «Нефтчи» — «Металлург» — 3:2, «Андижон» — «Сурхон» — 2:1.

Навбатдаги 15-тур баҳслари 21, 22 август кунлари бўлиб ўтди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

**КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК**

Бир киши мемага ўтираётиб ўзининг габроволик ошнасидан илтимос қилиб қолди.

- Костюмингни менга бер!
- Ўзингни бор-ку.
- Мен сузишни билмайман, агар менинг эғнимда сенинг костюминг бўлса, кема ҳалокатга учрағудай бўлса, мени қутқариш учун ўзингни албатта сувга ташлайсан.

Габроволик бир кишининг ўғли жарроҳ бўлишга аҳд қилибди. — Аҳмоқ экансан, — дебди унга отаси. — Тиш дўхтир бўл! Ахир одамларда юрак битта, тиш эса ўттиз иккита бўлади.

— Менга қора товукнинг тухумидан беш дона бер, — деди бир габроволик тухум сотиб ўтирган хотинга.

— Агар фарқини билсанг, ўзинг танлаб ола қол, — деди сотувчи ҳайрон бўлиб.

Габроволик бешта энг йирик тухумни танлаб олди-да, пулини тўлаб ўз йўлига равона бўлди.

- Қўшни, итингиз яна менинг товугимни еб қўйибди.
- Яхши айтдингиз-а, бугун унга овқат бермай қўя қоламан.

Габроволик уй сотиб олмақчи бўлди. Ундан уйнинг катта-кичкилиги қандай бўлиши кераклигини сўрашганида, у шундай деди: — Шунчалик катта бўлсинки, хотиним уй ишларидан ортиб, онасиникига бориб ялпайиб ўтиргани вақти бўлмасин, шунчалик кичик бўлсинки, қайнонам бизникига кўчиб кела олмасин.



— Нега бу бекатда автобус тўхтамай ўтиб кетаяпти?  
— Шу атрофдаги ётоқхоналарда талабалар туришди, ҳаммаларининг йўл чипталари бор, йўл ҳақи тўлашмайди деб, айрим хайдовчилар тўхтамай ўтиб кетишади, отахон.

Абдураул Ҳақимов чизган расм.

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилымы: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма тибкоқ офсет усудиди босиланди.  
2812 нусхад босилди. Қотғи биними А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бонқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кўнлари чикади.  
Навр қўрсаткичи — 563

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар  
ҳойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент  
почта»га — 133-74-05 телефонига мувожаат  
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси  
босмақониси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.